



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 16-sentabr • Payshanba • 110 (31.230) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ — ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ИСЛОХОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

■ Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қонунлар қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишга, барча босқичдаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муайян масалаларни ҳал қилиш борасидаги ишига таъсир кўрсатишга қаратилган фаолиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маърузасининг асосий қоида ва хулосаларини рўйбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тегишли Ҳаракат дастури қабул қилинган бўлиб, унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 9 сентябрь кuni Андижон вилоят ҳокимлигида ва 14 сентябрь кuni Хоразм вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 4 декабрда қабул қилинган «2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорининг, қишлоқда уй-жой қурилиши ва ижтимо-

ий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурларининг халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисларда таъкидланганидек, халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашлари томонидан юқоридаги дастурлар бажарилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш вазифаларини белгилаб олишга, мўлжалланган параметрларга эришиш, суиестемолликлар ва қўшиб ёзиш ҳолларига йўл қўймаслик учун кескин чоралар кўриш, шунингдек, вилоятда ушбу дастурларни амалга ошириш учун масъул доимий комиссиялар ва депутатларнинг, ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларининг ахборотларини эшитиш юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда.)



## Қонунлар халқ манфаатига хизмат қилсин

### Фракция фаолияти

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси йиғилишида ҳам бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, муҳокамада қизгин баҳс-мунозара бўлди.

Унда депутатлар «Географик объектларнинг номилари тўғрисида»ги, «Географик объектларнинг номилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳасининг савол-жавоб ва тақлифлар асосида муҳокама қилди.

— Дарҳақиқат, «Географик объектларнинг номилари тўғрисида»ги қонун

лойиҳасида географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш, меъёрлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, қўллаш ва сақлаш, халқимиз тарихий ҳамда маданий меросининг таркибий қисми сифатида белгилаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш кўзда тутилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Мазкур қонун лойиҳаси географик объектлар номилари қўлланишининг асосий тамойилларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, шунингдек, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган ягона давлат сиёсати принциплари асосланган.

2-бет

Илдиз  
бакуват  
бўлса... → 2

Ниқобли  
жиноий  
уюшма  
қирдикори → 3

Чемпион-  
га хос  
евалаба → 4

Ўзбекистонга биринчи келишим. Кўп жойда бўлганман, лекин ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Бу гўзал заминдаги тўқин ва осийишта ҳаётга ҳавасим келди. Тошкентдаги маҳобатли бинолар, муҳташам иншоотлар, халқининг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳияти нечоғли юксак эканидан далолат бериб турибди. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейидаги экспонатлардан катта таассурот олдим. Бундай қадимий тарих, бой мерос ҳамма халқларга ҳам насиб этмаган. Саёҳатим давомида Самарқанднинг бетакрор тарихий обидаларини ҳам томоша қилдим, гўзал табиатдан баҳраманд бўлдим. Қадимий усулдаги қоғоз ишлаб чиқариш санъати билан бевоғота танидим. Бу қоғоз икки минг йилгача безавол сақланар экан».

Дамиано СЕРРА  
(Италия)

## Буюк адибнинг боқий сиймоси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекка ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

■ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавият, маданият, адабиёт ва санъат соҳаси ривожига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ватанимиз, халқимиз тарихида ёрқин из қолдирган атоқли адиб ва шоирлар, фан ва маданият намояндаларининг эл-юртимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб баҳоланиб, хотирасини абадийлаштириш, меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида изчил ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Мустақиллик йилларида бир гуруҳ марҳум шоир ва ёзувчиларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, юбилейлари кенг нишонлангани, пойтахтимизда Фахур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби устоз адибларимизга ҳайкаллар ўрнатилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ҳайкалининг ўрнатилиши халқимизнинг

фидойи фарзанди, атоқли шоир ва ёзувчи, етук олим ҳамда таниқли жамоат арбоби Ойбекнинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, бетакрор ижодий мероси ва ибратли фаолиятининг ана бир амалий эътирофи бўлди.

Ҳазил мулкининг султони, бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи серфайз боғ байрамона руҳга чулганган. Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандла-

ри, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов тантанали маросимни очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қўйилган алоҳида таъкидлади:

— Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарларида адабиётнинг, соҳа вакилларининг

жамятимиздаги ўрни ва таъсирига юксак баҳо берилган. Юртбошимиз ўзининг бетакрор ижоди ва улкан жамоат арбоби сифатидаги фаолияти билан халқимизнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшган Ойбекнинг ёрқин хотирасига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаятигани жамоатчилигимизга, айниқса, адабиёт аҳлига яхши маълум.

→ 2

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури амалда

## Миллатнинг маънавий камолоти йўлида → 4

2010 йил 29 август. В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган musiқа академик лицейи тарихида янги саҳифа очилди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишган Президентимиз мазкур musiқа даргоҳининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносига ташриф буюрди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этадиган musiқа санъати алоҳида эътибор қаратилади. Соҳага ихтисослашган кўлаб таълим масканлари барпо этилди. Эскилари қайта таъмирланди.

Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури санъатимиз ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотларни янада юксак поғонага олиб чиқди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1504,92	1 Миср фунти	283,49	1 СДР	2446,25	10 Жанубий Корея вони	13,92
1 Англия фунт стерлинги	2491,48	1 Канада доллари	1565,96	1 Туркия лираси	1084,36	10 Япония иенаси	192,19
1 БАА дирхами	440,39	1 Хитой юани	239,20	1 Швейцария франки	1592,16	1 Россия рубли	52,35
1 АҚШ доллари	1617,32	1 Малайзия ринггити	521,72	1 Евро	2066,65	1 Украина гривнаси	204,51

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОБ-ХАВО 16-17.09. 2010		
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 20°C	☀ 22°C
Самарқанд	☀ 19°C	☀ 21°C
Нукус	☀ 17°C	☀ 19°C
Қарши	☀ 20°C	☀ 25°C
Урганч	☀ 17°C	☀ 19°C
Навоий	☀ 18°C	☀ 20°C
Фарғона	☀ 18°C	☀ 20°C
Бухоро	☀ 19°C	☀ 21°C
Андижон	☀ 18°C	☀ 20°C
Наманган	☀ 18°C	☀ 20°C
Термиз	☀ 21°C	☀ 25°C
Жиззах	☀ 19°C	☀ 20°C
Гулистон	☀ 19°C	☀ 20°C
Тошкент вил.	☀ 19°C	☀ 20°C
Лондон	☀ 18°C	☀ 20°C
Париж	☀ 21°C	☀ 20°C
Москва	☀ 14°C	☀ 14°C
Мадрид	☀ 23°C	☀ 21°C
Пекин	☀ 25°C	☀ 26°C
Гонгконг	☀ 27°C	☀ 29°C
Рим	☀ 25°C	☀ 24°C
Анкара	☀ 26°C	☀ 28°C
Токио	☀ 33°C	☀ 32°C
Стокгольм	☀ 14°C	☀ 13°C
Кейптаун	☀ 20°C	☀ 22°C
Қоҳира	☀ 20°C	☀ 21°C
Гавана	☀ 32°C	☀ 30°C
Вашингтон	☀ 29°C	☀ 29°C

Ўзбекистон ҳаво yo'llari



Хизматлар лицензияланган





«Бугунги кунда музика санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавий руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда».



«Баркамол авлод йили» Давлат дастури амалда

# Миллатнинг маънавий камолоти йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қарорга мувофиқ биргина жорий йилда 14 та музика ва санъат мактабининг барпо этилгани, 32 та мана шундай макталарда эса капитал реконструкция ишларининг бажарилгани фикримиз далилидир. Яқинда жаҳоннинг 10 та энг йирик музика таълим даргоҳлари сирасида эътироф этиладиган В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейи учун яна битта замонавий ўқув биноси барпо этилди, собиқ музика коллежининг биноси негизидеги ўқув корпуси тубдан қайта таъмирланди. Ушбу музика даргоҳи эндиликда 900 ўқувчига мўлжалланган 4 ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона ва 210 ўринли 3 ошхонага эга бўлди. Барча ўқув хоналари 64 номдаги замонавий музика чолғу асбоблари билан таъминланди.

ларида бошлаб берган. Миллат ва эллатари санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори орттиришга хизмат қилаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг 1997 йилдан бери айнан юртимизда, хусусан, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Бу азим шаҳарда илм-фан, маданият, санъат ва музика азалдан ривож топган. Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300

ётган жами 46 нафар ўқувчи халқаро танловлар голибига айланди. Улардан деярли тенг ярми айнан В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейи ўқувчиларидир.

Лицей тарбияланувчиларининг халқаро мусобақалардаги бу йилги парвозини Ким Агата феврал ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган «А. Рубинштейн» музика танловида 2-ўринни қўлга киритиб бошлаб берди. Шу ойнинг ўзига Эстониянинг Нарва шаҳрида ўтказилган халқаро Шопен музика фестивали-

Жорий йилнинг апрель ойида Парижда бўлиб ўтган «А. Глазунов» халқаро музика фестивалида лицей ўқувчиларидан Анна Халикова ва Зулфия Баширова скрипкада гран-при соҳибларига айланган бўлса, аълдда чиқиб қилган Мария Ковалёва 2-ўрин билан кифояланди. Ураинининг Симферополь шаҳрида меъзолини қилган «Кўк қуш» танловида фортепьяно йўналишида бош соврин Муслима Маҳжумовага на-сиб этди. Эндигина ўн бир ёшми қарши олган Эркин Хушвақтов эса виолончелда унга тенг келадигани йўқ эканлигини исботлади.



Йил муқаддам сўзга асалган музика асбоби — най топилиши, кўнча Афросиёб деворий суратларидаги машшоқ ва муғанийлар тасвири халқимизнинг музикаий салохияти ўстиришида ҳам юқори бўлганидан далолатидир.

Бугун Ватанимизнинг иқтидорли фарзандлари, ёш ўғил-қизлари нуфузли халқаро музика фестивалларида, танловларда энг юқори ўринларни эгаллаб, истеъдод ҳам авлоддан авлодга ўтиши-ни исботламоқда.

Биргина, В. Успенский номидаги Республика ихтисослашган музика академик лицейи ўқувчиларининг сўнгги йилларда халқаро танловларда эришган натижалари мутахассисларни хайратга соляпти. Эътибор беринг, 1991 йилда лицей ўқувчиларидан атиги 3 ўқувчи халқаро танлов ва фестивалларда совриндорлар савфидан жой олган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 50 нафарни ташкил этди.

Утган саккиз ой мобайнида республикамизнинг музика ва санъат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тахсил ола-

да Иноят Абдуллаева фортепьянодаги чиқиши билан мухлислар олқишига сазовор бўлди ва у ҳам 2-ўринни эгаллади. Санкт-Петербургда эллиқдан ортиқ мамлакатлар ўртасида ташкил этилган «Европага назар» 5-халқаро музика фести-валлида ёш музикачиларимиз нафақат мухлисларнинг, балки дунёнинг турли бурнақларидан ташриф буюрган соҳа мутахассисларининг ҳам назарига тушди. Унда Муҳриддин Сайфиддинов скрипка, Жамшид Саидқаримов виолончел йўналишларида тенгсиз деб эътироф этилди. Фортепьянодаги бетақорор иж-роси учун Елена Кан «Энг яхши концертмейстер» деб топилди. Шунинг-дек, лицейнинг яна бир келажаги порлоқ ўқувчиси Нилуфар Муҳидди-нова скрипкада 2-ўринни эгаллади.


— Ўқувчиларимиз европаликлар-нинг миллий чолғу асбобларида улардан ўтказиб, уларнинг ҳаваси-ни келтириб куй ижро этишди, — дейди лицей ўқитувчиси Маъсуда Аҳмедова. — Болаларимизнинг ҳар бир чиқиши залда ўтирган минглаб музика ихтисосман-дарининг гўлдурас қарсақлари билан кулиб олинди. Ҳатто, «Энг яхши томошабин симпатияси» номи-насида ажайиб кватрет ҳосил қилган Нилуфар Муҳиддинова, Жам-шид Саидқаримов, Кан Елена ва Муҳриддин Сайфиддиновлар мул-лақ голиб сифатида тақдирланди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Ҳуқуқий тафаккур минбари

Журналнинг янги сони

«Нуқуқ ва бурч» ихтимоий-ҳуқуқий журналининг 2010 йил 8-сони нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиз мустақилли-гининг ўтган ўн тўққиз йили мобайнида давлат, жамият ва фуқароларимиз ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, ютуқлар таҳлилига бағишланган мақола-лар ўрин олган.



Журнал Инсон ҳуқуқлари бўй-ча Ўзбекистон Республикаси Мил-лий маркази директори Акмал Саидовнинг «Истиқлолнинг буюк тўққаси» номи мақоласи билан очилди. Адлия вазирини Раҳшон Мухитдиновнинг «Мустақиллик — ҳуқуқ демократия», Олий суд раиси Бўритош Мустафоевнинг «Инсон-парварлик — ислохотлар мезони» номи мақолаларида кейинги йил-ларда инсон ҳуқуқ ва эркинлик-лари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, шунинг-дек, суд-ҳуқуқ тизимидagi сло-хотлар ва уларнинг самараси ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.

моий ҳимоя», «Маҳалла жамияти-миз таянчидир» мақолаларида мамлакатимизда фуқаролик жамия-тини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ва унинг натижалари ҳақида фикр юритилади.

Халқимиз ўтган асрда бошдан кечирган синовили дамлари, мам-лакатимиз мустақиллиги учун жон фидо қилган миллатдошларимиз хотирасини абадийлаштириш йўлида қилинган эзгу ишлар ҳақида «Қатагон қурбонлари хо-тираси» музейи катта илмий хо-дими Мурод Зикруллаевнинг «Та-рихий адолат сабоғи» мақоласида сўз юритилади.

Бундан ташқари, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари суд-ҳуқуқ органлари фаолияти ҳақидаги тур-кум мақолалар ҳам журналонлар-ни бефарқ қолдирмайди.

Маъмуржон МАҲМУД

## Чемпионга хос ғалаба

Intersport Бокс

Германиянинг Франкфурт шаҳрида профессионал боксинг энг оғир вазнида учта йўналиш бўйича жаҳон чемпиони, украиналик Владимир Кличко чемпионлик жангида ўз унвонини ҳимоя қилди.

Чемпионликка даъвогар нигерия-лик Самуэл Питер уч йил илгари Владимирга қарши рингга чиққан рақибини икки бор ноқаданга уратган бўлишига қарамай очко-лар ҳисобига кўра ютказганди. Шу боис бокс мухлислари бу учрашу-ву-

ларни катта қизиқиш билан кузат-ди. Бироқ Кличко жаңг бошидан ташаббусни ўз қўлига олди. Аста-секинлик билан аниқ зарбалар со-нини ошириб борди ва 9-раундда кетма-кет кучли зарбалар бериб Питерни ноқадга уратди.



Теннис

Нью-Йоркда ўтган «Улкан тож» туркумига кирувчи АҚШ очик чемпионатида мутахассислар кутган рақиблар финалда учрашмади.

Чунки сербиялик Новак Жок-ович ярим финалда швейцариялик Роже Федерерни 5 сетада мағлу-бията уратди. Иккинчи ярим фи-налда испаниялик Рафаэл Надал россиялик Михаил Южнийдан ус-

тун келди. Финал учрашуви ку-тилгандек Надалнинг ғалабаси би-лан яқунланди — 6/4, 5/7, 6/4, 6/2. Аёллар мусобақасида бель-гиялик Ким Клейтерс ғалаба қозонди.

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

**ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti»**

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС НА ПРИОБРЕТЕНИЕ ПОВОРОТНЫХ ВИДЕОКАМЕР ПРОИЗВОДСТВА «PANASONIC» МАРКИ WV-CS950 В КОЛИЧЕСТВЕ 4 ШТУК.

Желающих предложить свои услуги просим прислать коммерческие предложения на имя директора ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti» до 4 октября 2010 года включительно по тел/ факс: 120-98-42 или E-mail: tas-airport@mail.ru

Конкурс проводится с 5 по 8 октября 2010г. Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 120-98-42, 140-29-07 Контактное лицо: Убайдуллаев Дониёр Рустамович.

**ГУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»**

объявляет тендер на приобретение двух заправочных агрегата типа сервисер для заправки воздушных судов.

Желающих предложить свои услуги просим прислать заявки на получение тендерной документации по адресу: 100167 г. Ташкент, ул. Садикжана Талипова, 13, первому заместителю директора аэропорта Юсупову Ш.Н. В заявке указать желаемый для вас способ пересылки документов (почта, факс, электронная почта) и соответствующие адреса и телефоны.

Тендер проводится с 13 по 15 октября 2010 г. Прием документов до 11.10.10 г. по адресу, указанному в Инструкции.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 8-10-99871-1402846, 8-10-99871-1402937. E-mail: airways@list.ru.

Конкурс проводится с 5 по 8 октября 2010 г.

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihiddin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO' LIMLAR:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45,  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda — 225-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 225-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-81  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 235-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849  
7943 nusxada bosiladi  
T — T'ijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'zA yakuni — 21.00  
Topshirilgan vaqti — 23.20  
1 2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda